### «ХАЛҚ СЎЗИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ







# ҲАЙРАТ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Технологик ускуналар ўзаро шартнома асосида «Туркшакар» консорциуми ва «Юксал иншоот» фирмаси томонидан келтирилди. Уни ўрнатиш эса Туямўйин гидроиншоотлар қурилиши тресты қурувчилари томонидан Олмониянинг технологик лицензияси асосида амалга оширилди. Бу ерда Олмониянинг ғоят мукаммал пресслаш ускуналари ва турбинаси, Италиянинг чиқинди сувни тозалаш технологияси, Бельгиянинг лаборатория жиҳозлари мавжуддир. Турк мутахассислари билан ёнма-ён маҳаллий ишчилар меҳнат қилишди. Ноёб машина-ускуналарни ўрнатишда 300 дан ортиқ ўзбек йигит-қизлари иштирок этишди. Уларнинг аксарияти Туркия шакар фабрикаларида икки ой меҳнат қилиб, мураккаб монтаж ишларида малака ҳосил қилган эди.

— Бугун жамоамизнинг ўзагини мана шу йигитлар ташкил этади, — дейди технолог Арслон Абдуллаев. — Ўзим Туркияда икки марта бўлиб, 120 нафар йигит билан янги технология жараёнларини ўрганиб келдим. У ерда механик вазифасида малака орттирган Умид Иброҳимов бугун ишга туширилаётган янги корхонамизда смена бошлиғи вазифасини бажараяпти. Жалолиддин Боқиев, Алишер Холмуродов, Қадамтой Эркаев, Равшан Матчоновлар ҳам Туркияда янги касбларни эгаллаб келишди.

Дарвоқе, Арслон Абдуллаевнинг ўзи ҳисоблаш техникаси мутахассиси, Урганч дорилфунунини битирган. Заводнинг биринчи ғиштини қўйганлардан.

Ишга тушаётган корхонада шундай илмли, малакали, янгича тафаккурли мутахассислар тўпланяпти. Бу бежиз эмас: ишлаб чиқариш жараёни, юқорида айтилганидек, тамомила автоматлашган, компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Шартномага кўра, завод ишга тушганидан кейин икки йил мобайнида турк мутахассислари ўзбек ходимлари билан баробар меҳнат қиладилар.

— Лойиҳага кўра, монтаж ишларига 28 ой талаб қилинади, — ҳикоя қилади «Юксал иншоот» фирмасининг бу ердаги координатори Жўнаид Қоражасу. — Иш ғоят тиғиз график асосида кечди. Унда ўзбек йигитлари ғоят укувли, тадбиркор эканликларини, пухта ишлашларини кўрсатишди.

Корхона мутлақо чиқиндисиз технология асосида ишлайди. Лавлаги турупидан чорва учун тўйимли омихта ем, мелассадан эса ачитқи ҳамда спирт олинади. Чиқинди сув улкан ҳавзаларда тиндирилгач, яна лавлагини ювиш участкаси ва иссиқлик тизимига қайтарилади. Чўкиндилар эса вақти-вақти билан йиғилиб, улардан экинларга дармондори сифатида фойдаланилади. Қозонхона буғи электр қуввати ҳосил қилиш, корхона шаҳарчаси хонадонларини иситиш учун қўлланилади. Бу ерда бунёд этилган 7,5 минг киловатт қувватли иссиқлик электр станцияси ишлаб чиқариш-ижтимоий тузилмаларни электр қуввати билан таъминлайди: четдан келадиган электр қувватига эҳтиёж қолмайди.

— Шакар заводимизда иш уч сменада ташкил этилади, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Раимбой Йўлдошев. — Бир кеча-кундузда 3 минг тонна лавлаги қайта ишланади. Йилига 50 минг тонна шакар тайёрланади. Бундан ташқари, 160 минг тонна ем, 16 минг тонна меласса ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхона қувватидан тўла фойдаланиш, шакар ишлаб чиқариш ҳажмини 150 минг тоннага етказиш вазифасини ўртага қўйдилар. Бунинг учун шакарқамиш хомашёсини етказиб бера олувчи хорижий шерик қидирмоқдамиз.

Икки оғиз ана шу хомашё базаси хусусида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг январида «Ҳазорасп қанд-шакар заводини хомашё билан таъминлаш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3,7 минг, Хоразм вилоятида 8 минг гектар майдонда лавлаги ўстирилмоқда. Унинг қандлилиги даражаси 17-18 фоиз. Турк мутахассислари лавлаги майдонларини кўздан кечириб, Хоразмда контрактация шартномасидан деярли 100 минг тонна кўп ҳосил етиштирилаётганлигини ҳисоблаб чиқишди.

Айни чоғда лавлаги уруғчилигини йўлга қўйиш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар бошланди. «Боғот» ихтисослашган хўжалигида 7 хил лавлаги нави синаб кўрилмоқда. «Клавдия», «Соня», »Кива», «Дева» навлари Хоразмнинг тупроқ-иқлим шароитида, айниқса, яхши самара бериши кузатилаётир.

Нукус, Тўрткўл, Шовот ва Урганч туманларида эса лавлагини қабул қилиб олиш пунктлари қуриб битказилди. Шакар заводининг ўзида 50 минг тонна лавлаги сақланадиган майдон барпо этилди.

Ҳа, корхонани ишга тушириш учун бошқарув пультидаги керакли тугмачани босишгина қолди. Мустақил она-Ватанимиз бу улкан иншоотни барпо этиб, жумлаи жаҳонга ўз куч-қудрати ва имкониятлари чексиз эканлигини яна бир бор намойиш этди. Бугун у қоматини тиклаб, қўшни мамлакатларга, бутун МДҲ давлатларига: «Келинг! Кўринг! Ҳавас қилинг!» демоқда. Сўз йўқ: келса — келгулик, кўрса — кўргулик бир корхона! Туркия мутахассислари иштирокида қурилган бу ноёб корхона бугун жаҳонда ягонадир. Айтайлик, Украинада 192 та шакар заводи бор, лекин ҳеч бирининг технологик имконияти бунингчалик эмас. Технологик жараён шундайки, ишлаб чиқариш ҳафтанинг етти кунида тўхтовсиз давом этади. Зеро, бирор сабаб билан ускуналарни тўхтатиб, яна ишга тушириш 15,2 тонна шакарни йўқотишга сабаб бўлади.

Корхонанинг шундоққина биқинида, Питнак этагида бутун бошли замонавий шаҳарча қурилаяпти. Хориж мутахассисларига мўлжалланган 20 та коттеж, 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона эса аллақачон фойдаланишга топширилган.

— Мақсадимиз шундайки, меҳнат жамоамиз янгича тафаккурли кишиларни бирлаштирсин, — орзу қилади янги корхонанинг биринчи раҳбари Қувондиқ Каримов. — Ҳар бир ишчимиз компьютерни ўзлаштириб олсин, ҳисоблаш техникасини билсин. Ҳатто жамоа аъзолари учун махсус кийим-бош тиктираяпмиз, токи улар ўз юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туришсин. Ахир, меҳнатнинг самараси маънавиятга боғлиқ-ку.

Табиийки, ҳар даврнинг ўз ёдгорликлари бўлади. От солиб, қилич ўйнатиб юртимиздан ўтган босқинчиларнинг ёвузликларидан хотира сифатида Хоразмда Чингизтепа харобаси сақланмоқда. Унинг рўпарасида ёғийга бўйин эгмаган аждодлар авлодининг сармояси ва меҳнати билан шакар заводи қад ростлади. Шакл-сумбати ва технологияси бутун бир мўъжиза бўлган бу корхона мустақил тараққиёт сари дадил илгарилаб бораётган ўзбек халқи журъатига мафтункор ёдгорлик сифатида Ўзбекистон фаровонлиги йўлида даврлар оша хизмат қилаверади. Бунинг учун яна такрор айтамиз: бугун пультдаги тугмачани босишгина кифоя.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# МУҚАДДАС МИНБАР

## СИЗГА МУНТАЗИР, АЗИЗЛАР!

***Одамлар журналистларга ишонч билан қарайди. Бугун оммавий ахборот воситалари халқимиз, мустақил мамлакатимиз манфаатларини ифода этувчи ҳамда ҳимоя қилувчи, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи қудратли қуролга айланган. У шунинг учун ҳам «тўртинчи ҳокимият» даражасида тан олинмоқда. Журналистларимизнинг фаолияти қонун билан кафолатланган.***

Айни вақтда истиқлол, табиийки, матбуот олдига ҳам оғир ва шарафли вазифаларни қўймоқда. Йўлбошчимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг олти ойи якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида ахборот воситалари ходимларига қарата шундай деди:

**” Мен телевидение, радио, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига катта умид боғлайман. Уларнинг вазифаси ҳаётимизнинг барча томонларини очиқ, кенг ва ҳаққоний ёритишдан иборат. Арзийдиган мисол ва воқеаларни кўрсатибгина қолмай, лоқайдлик ва манманлик, жиноий даражадаги беparволик, коррупция ва товламачилик қўлларини кишилар эътиборига ҳавола этиб, жамоатчиликни бу жиноятларга қарши кўтариш ва бундай унсурларнинг томирини қирқиш учун ўзини аямаслиги керак ”.** Бу борада тажрибали ижодкорлар, айниқса, истеъдодли фидойи ёшлар газета саҳифаларида қизиқарли, долзарб масалаларни, мавзуларни кўтариб, кенг жамоатчилик эътиборини қозонмоқдалар.

Аммо мамлакатимиздаги буюк бурилишлар даври барча жабҳаларда бўлганидек, оммавий ахборот воситалари олдига, Президентимиз таъкидлаганларидек , кенг қамровли, янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Элим-юртим деган ҳар бир қаламкаш, ўзини билган одам унинг янада тўлароқ, самаралироқ бажарилишига баҳоли қудрат ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Президентимиз бунда раҳбарларни матбуотда, телевидение ва радиода кам чиқишаётганини, ўзидан улуғроқ раҳбарнинг оғзига қараб туриш одати тарк этилмаётганини таъкидлаб, **«Кўп марта айтилди, лекин нимадир сабаб бўлгандай, мансабда раҳбарлик курсисида ўтирганлар матбуот, телевидение ва радио ходимлари билан мулоқотдан тортинади. Ўзини олиб қочади.Бунинг сабаблари нима бўлиши мумкин? Ўйлайманки, авваламбор, раҳбарларимизнинг масъулиятдан қочишида. Ўзининг савияси, билими ва саводини кўрсатмасликка, яширишга ҳаракат қилишида деб биламан. Бошқа изоҳ топиш қийин бўлса керак.**

**Бундай хунук ҳолларни тугатиш пайти етди. Ўзининг вазифасини ҳалол бажарувчи ва ишининг моҳиятини яхши билувчи қобилиятли тадбиркор ва фидойи мутахассис ва раҳбарлар афкор омма билан ошкора мулоқотда бўлиши зарур, бундан уларнинг ўзи ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлиши муқаррар ”.**

Бу дастурий даъват демократик, ҳуқуқий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Таниқли давлат ва жамоат арбоблари, буюк адиблар ҳамиша матбуот билан ҳамкорлик қилиб келганлар. Устоз шоир Ғафур Ғулом шундай ёзади:

### МУНОСАБАТ

”... Мен жонажон редакциямизнинг бевосита ўзида ва унга боғланган бўла туриб ташқарида ўтган ҳар бир соат билан фахрланаман. Чунки редакция мен учун она қучоғидан сўнгги биринчи меҳрибон тарбиячи ва савод мактабидан кейинги олий мактаб мартабасидадир ”.

Кўпчилик газетани: ” Дорилфунун, муаллим ” деб билади. Шу ерда йўлбошчимизнинг шахсий намуналарини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. ” Тафаккур ” журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларини олайлик. Суҳбатда бугунги кунда ҳаммани қазиқтирган, жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон олдинга сураётган масала, муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари, янгича ғоя ва назарий қарашлари ўз ифодасини топган.

Мустақиллик журналист касбининг янги қирраларини, имкониятларини майдонга чиқармоқда.

Бугун ҳалол-пок, инсонпарвар, яхши ишлаб турган, атрофдагиларнинг ташвишлари билан яшаётган раҳбарлар оммавий ахборот воситалари билан эмин-эркин фаол ҳамкорлик қилишга муқаддас минбар даъват этилар экан, бу ҳам истиқлол берган эзгу имкониятлардандир. Шиддатли, ҳар они, ҳар соати воқеаларга бой замон ҳаётини, янги-янги муаммоларини тўла-тўкис ёритишда соҳа мутасаддиларининг иштироки айни муддаодир. У газета саҳифаларини ранг-баранг мавзулар билан бойитишга, ахборот қамровини оширишга, тараққиётга қўшилган катта ҳисса бўлади.

Раҳбарларнинг газета орқали омма билан учрашиши, авваламбор, жамиятга, шу билан бирга, вазирликка, қўмитага, ҳокимларга, корхона ва ташкилотларга, унинг раҳнамоларига ишончни мустаҳкамлайди, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришга, мамлакатнинг оқилона ички ва ташқи сиёсатига хизмат қилади.

Газета иши— риёзат, оғир меҳнат иши. Аввало, шуни тан олмаган кишидан яхши газетачи чиқмайди, у яхши қаламкаш ҳам бўлолмайди. Шундай экан, бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган раҳбарлар ҳам, оддий ходимлар ҳам ўзини оз-моз бардошли газетачи, деб ҳисобласа, айни муддао бўларди.

Арғамчига қил қувват, дейдилар. Раҳбарларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишини мунтазам жараёнга, уларни таҳририятларнинг фахрий аъзоларига айлантириш, журналистларимиз ёнида раҳбарларнинг бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Бу фойдали тадбир—халқ кўнглига яқин сўз-фикрларни, мустақилликнинг моҳиятини тушунтиришда, англатишда матбуотни теранлаштиради, журналистикада янги йўналишни белгилаб беради, бойитади, жамоатчилик фикрининг янада қудратли воситасига айлантиради.

Азиз дўстлар, таҳририят, фидойи бадиий сўз усталари, журналистлар. Сиз билан ҳамкорликка, ёрдамга тайёр. Қолаверса, деярли кўп идораларда ўз атрофига моҳир журналистларни тўплаган ”Матбуот марказлари” бор. Келинг, сиздан ҳаёт, соҳа қиёфаси, биздан маҳорат мактаби. Сиз қайноқ ҳаёт ичидасиз. Сизга содда, оддий туюлган маълумотлар замирида мужассам фикр-ғоялар бор, одамни чуқур ўй-хаёлларга, мушоҳадаги даъват этадиган ўйлар бор. Дадил бўлинг, ёзинг. Бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирд бўлайлик.

**Расул РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: раҳбарларнинг мунтазам мақолалар, таклиф-мулоҳазалар билан чиқиб туришларини ташкилий ҳамда ижодий пухта йўлга қўйиш мақсадида — «Вазир мулоқотга чорлайди», «Ҳоким минбари», «Менга сўз беринг» рукнлари очганини маълум қилади. Марҳамат!**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

#### ТУМАН МАРКАЗИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

*Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ишчилари учун қурилаётган 700 дан зиёд коттеж, мактаб, маиший хизмат объектларининг аксарияти битиш арафасида. Куни кеча бу ерда янги АТС — алоқа тармоғи ишга тушди.*

**З. РИХСИЕВА.**

#### ЖИЗЗАХ ТОМАТИ — ЧЕХИЯГА

*Бу йил вилоят деҳқонлари ўзлари етиштирган помидор ҳосилини қаерга топширишни яхши билишади. Яқинда Жиззахда йилига тўрт минг тонна помидорни қайта ишлайдиган Ўзбекистон-Прага қўшма корхонаси ишга тушди. Ўрнатилган ускуналарнинг афзаллиги шундаки, у помидор уруғини томат пастасига қўшмасдан, алоҳида ажратиб беради. Энди Жиззах томати Европа бозорига чиқади.*

#### ҚИШГА ҲОЗИРЛИК

*Сиз бирор кунингизни электр энергиясисиз тасаввур эта оласизми? Уйдаям, ишхонадаям электр энергиясисиз ишингиз битмайди. Дарвоқе, навоийлик нурчилар атрофдаги бешта вилоятни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб туриш мақсадида қиш мавсумига тайёргарликни бошлаб юборишди.*

**(Хабарларни «Халқ сўзи» мухбири И. ТОШЕВ тайёрлади).**

**Мамлакатимизда Қувасой чинниси кирмаган хонадон бўлмаса керак. Бу ерда тайёрланаётган буюмлар ўзининг сифати, сержилолиги билан ажралиб туради.**

**Чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи «Исфайрам» ҳиссадорлик жамияти айни кунларда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан совғабоп буюмлар ишлаб чиқармоқда. Янги маҳсулотлар харидорларга маъқул бўлаётир. Албатта, бунда сиз суратда кўриб турган ишчи Саодатхон Шодмонованинг ҳам ҳиссаси катта.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



## МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ҲУҚУҚ

# ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ — КОНСТИТУЦИЯНИНГ

***1990 йилнинг 20 июнида Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Мустақиллик декларациясида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги демократик давлатнинг ўз ҳудуди барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатларида танҳо ҳокимлигидир.***

***1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёноти, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги қарори ва «Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Мустақиллик декларациясида ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилган асосий принциплар ва ғояларни ўзида тўлиқ мужассам этди ва ҳар томонлама ривожлантирди.***

Конституциянинг асосий сиёсий аҳамияти шундаки, у суверен давлат — мустақил Ўзбекистон Республикаси вужудга келганлигини қонун йўли билан тасдиқлаб қўйди.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши ва унинг ҳудудида мустақил давлатлар ташкил топиши — тарихий муқаррарликдир. Зеро, зўравонликка асосланган давлат узоқ яшай олмайди. Тарих бунга гувоҳ.

Ўзбекистон халқлари қадимдан мустақил яшаш, озод ва эркин бўлиш учун курашганлар.

Янги суверенитетга эришилганлиги, жумладан, янги давлат ҳокимиятининг вужудга келганлиги туфайли ўзбек халқининг эзгу орзу-умидлари ушалди, халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариб, мустақил давлатни барпо этди.

Асосий Қонунимиз Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон таркибидаги мақомини эътироф этади ва унинг суверенитетини муҳофаза қилади. Қардош Қорақалпоғистон ҳам ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг абадий бирлиги ҳамда қон-қариндошлигини тасдиқлаб, ўз Конституциясини қабул қилди.

Суверенитет — давлатнинг муқаррар талаб қилинадиган белгиси. Суверенитетнинг моҳияти шундан иборатки, у ўз ҳуқуқини ўзгалар ихтиёрига бериб қўйилмаслиги, бу ҳуқуқнинг бўлинмаслигини билдиради ва унинг сиёсий мазмун ҳамда юридик шаклининг бирлигини англатади.

Давлатнинг иқтисодий, дипломатик, ҳарбий ва ҳар қандай бошқа мустақиллигининг ҳал қилувчи шарти бўлган сиёсий мустақиллик давлат суверенитети тушунчасининг асосий, белгиловчи жиҳати ҳисобланади. Сиёсий мустақиллик ҳамиша давлат суверенитетининг асосини ташкил этади.

Давлат суверенитетини давлатнинг ўз ички ва ташқи ишларини, бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини ва халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормаларини бирор-бир тарзда бузмасдан, эркин, ўз иродасига кўра ҳал этишга бўлган ҳуқуқи сифатида тушунмоқ лозим.

Конституцияда Ўзбекистон суверен демократик республика эканлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилганлиги давлат суверенитетининг ички жиҳати ҳисобланади. Чунончи, Конституциянинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу модданинг ўзида кўрсатилганки, Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ташқи фаолиятида унинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринасига, бошқа қонунларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади.

Конституциянинг яна бир асосий принципи халқ ҳокимиятчилиги принципидир. Бу икки асосий принцип ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилса, давлат ҳокимияти эса суверенитетнинг ички ва ташқи жиҳатини амалга оширади.

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» — бу асосий демократик принцип Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ давлат ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб иш олиб боради. Халқ сайловлар воситасида вакиллик ҳокимияти органларини шакллантиради, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар орқали давлат ишларини бошқаришда, қонунларни қабул қилишда иштирок этади. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президент иш олиб боришлари мумкин. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Давлат ҳокимияти ҳокимият ваколатлари берилган конституциявий органлар томонидан рўёбга чиқарилади.

Конституциявий органлар:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. У давлат номидан чет давлатлар билан тузиладиган шартномаларни имзолайди, ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Президент ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

У авф этиш ҳуқуқини амалга оширади ва амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади, фуқароликка оид масалаларни ҳал этади, қонунларни имзолайди ва Конституцияда ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. У Ҳукумат фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг ваколатларини самарали амалга ошириш чораларини кўради. Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади ва кейинчалик Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади. Ҳукумат иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари кирадилар.

Мустақиллик йилларида ижро этувчи ҳокимият тизимида талай ўзгаришлар рўй берди. Давлат қурилишидаги ҳозирги устуворликлар ҳокимият ва бошқарувни демократлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган йўл-йўриқларга, бозор иқтисодиёти тамойилларига, марказлаштириш ва жойларга кўчиришни оқилона уйғунлаштиришга мувофиқ равишда белгиланмоқда. Масалан, бошқарув тузилмаларини ислоҳ қилиш доирасида вазирликлар ва идораларнинг талай қисми уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва бошқа бирлашмаларга айлантирилди, бу уларнинг бозор муносабатларига бевосита қўшилиши имконини яратди. Ижро этувчи ҳокимиятнинг маҳаллий органларини ислоҳ қилиш, ҳокимлар институтини тиклаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини ошириш эпчил, мослашувчан ва кучли ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришда муҳим қадамлар бўлди.

Олий Мажлис қонун чиқа-





# ДЕҲҚОННИНГ ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

***Механизаторлик — савобли иш. Чунки деҳқон бир дона чигитни ундириб, парваришлаб, оппоқ пахтага айлантиргунча қандай дамларни бошидан кечирмайди?! Ҳосил баракаси эса сиз суратда кўриб турган Абдували Очиловдек ўз ишининг жонкуярларига ҳам боғлиқ. Абдували 20 йилдан буён Сайхунобод туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг Ўрол Очилов бригадасида ишлаб келмоқда. Бригада катта, 200 гектар ери бор. Моҳир механизатор тракторни бенуқсон ишлатиб, қатор ораларини юмшатиш, ўғитлаш каби юмушларга ўз вақтида улгурмоқда.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## АВЛОДЛАР ДИЛ ИЗҲОРИ

# «АДОЛАТ ҚАРОР ТОПГАНИДАН МАМНУНМИЗ»

***Юртимиз миллий озодлик ҳаракати тарихида Мадаминбекдек мунозарали, лекин шу билан бирга, уни билган одамлар, авлодлари, ҳамюртлари эсдаликларида ўта жасур ва оқил инсон сифатида гавдаланадиган шахс камдан-кам учраса керак. Ҳақиқатан ҳам шўро салтанати даврида адолат ва ҳақиқат учун тинмай кураш олиб борган юртпарварнинг сурони ҳаётига тааллуқли ҳужжатлар советлар темир архивининг туб-тубларида сақланди. Фақат юртимиз озодликка эришгандан сўнггина халқнинг дилидаги руёбга чиқа бошлади. Мадаминбек озодлик учун курашчилар қаторида тилга олина бошлади.***

Мана, мустақилликка эришганимизга яқинда етти йил тўлади, лекин ҳануз тарихчиларимиз бу шахснинг миллий озодлигимиз, халқимизнинг истиқлоли йўлидаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, адолат ва ҳақиқат учун кураш йўлидаги интилишларини чуқур ва илмий асосда баҳолаб беришгани йўқ.

Бу борадаги, айтиш жоиз бўлса, жасоратни яна юртбошимиз ўз зиммасига олди. У киши Фарғона шаҳрининг катта шоҳкўчаси ёнида собиқ шўролар мафкураси ғояси асосида бунёд этилган мотамсаро аёл ёдгорлиги олдида бўлиб ўтган митингда Мадаминбек шахсига, унинг сурони ҳаётига, бу миллатпарвар, исёнкор, оқил инсоннинг салкам саксон йилдан бери муаммо бўлиб юрган тақдирига муносиб баҳо бердилар. Ҳақиқатан ҳам Мадаминбекни шўролар қоралагани билан оддий халқ ҳеч қачон унутгани йўқ. Сўнгги юз йилликда қанчадан-қанча инқилобчилар тарих саҳифаларида қолишга ҳаракат қилишди. Лекин қолишолмади. Қизил мафкура ўз вақтида Мадаминбекка ҳар қанча тавқи лаънат ёпиштирмасин, у Фарғона водийсидаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчанинг кўнглида, юрагида. Фарғонада, Марғилонда, Тошлоқда Мадаминбек яшаган уй, ҳовли, унинг авлодларига алоҳида меҳр-муҳаббат билан қаралади. Президентимизнинг Фарғонага ташрифидан сўнг мухбиримиз ана шу эрк учун курашчи инсоннинг ҳозирги авлодлари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди.

**Одилжон ҳожи ЗОКИРОВ, — Тошлоқ туманидаги Садда қишлоғида истиқомат қилувчи пенсионер, Мадаминбекнинг жияни:**

— Маърифатли киши сифатида юртбошимизнинг «зангори экран» орқали ҳар бир чиқишларини, мамлакатимиз ва хориж бўйлаб сафарларини алоҳида қизиқиш билан кузатиб тураман. У кишининг Фарғонага ташрифи ҳаммамиз учун қувончли воқеа бўлди.

Телевизордан Президентимизнинг фарғоналикларга айтган ҳар бир сўзини жон қулоғим билан тингладим. Боғдаги инқилобчиларга қўйилган ёдгорлик тўғрисидаги гаплари жуда-жуда маъқул бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу ёдгорлик олдидан бир неча марта ўтганман. Лекин қандай манзара, мақсад ифодаланганлигини ҳеч ҳам тушунолмаганман. Ўша ерда туриб, бирданига юртбошимиз менинг тоғам, Мадаминбек ҳақида илиқ, самимий гапларни айта бошладилар. Бирданига анча хира тортиб қолган кўзларим яшнаб кетди. Қулоқларимга ишонмайман. Айниқса, юртбошимизнинг «Мадаминбек муттаҳам, ўғри бўлмаган. Озодлик, адолат учун курашган», деган сўзларини эшитиб, йиғлаб юбордим.

Ахир, ҳақиқат бор экан-ку, оддий одамлар доимо эъзозлаб юрадиган, лекин расмий давраларда ҳануз шубҳа билан қаралаётган тоғамнинг пок номи оқланмаётганлигидан кўнглимда армон билан юрар эдим. Ва ниҳоят, ўша кун ҳаётимдаги энг ёрқин кунлардан бири бўлиб қолди. Турмуш ўртоғим, холаваччам, яъни Мадаминбекнинг катта опалари қизи Буойша билан тонгтача мижжа қоқмадик. Ҳар иккимиз тоғамизни юртимизга, бағримизга қайтариб берганлиги учун Президентимизга мингдан-минг раҳматлар айтдик. Бомдод намозида қайта-қайта дуо қилдик.

Катта опоқим Аҳмадбек буванинг бешта фарзанди бўлган экан. Мақсудали, Мамадали исмли ўғиллари, менинг онам Меҳринисо ҳамда қайнонам Майрамнисолардан сўнг энг кичик фарзандлари Мадаминбек тоғам бўлган экан. Онамнинг айтишларича, у кишининг акалари ва укалари ҳам маърифатпарвар, зиёли, адабиётга, тарихга, айниқса, шеъриятга ошуфта кишилар бўлганликларини худо раҳматли онам кўзда ёш билан эсга олиб турардилар. Айниқса, кенжа укалари Мадаминбекни жуда кўп эслашарди. «Шўро укамни ёмонотлиқ қилиб қўйди. У ҳеч қачон босмачилик қилган эмас. Сургундан қайтгандан сўнг ҳақиқат ва адолат учун курашди. Дастлаб, шўро ҳукуматига ишониб, Марғилон милициясига ҳам бошчилик қилди. Алданганини тезда англаб етди. Айниқса, йигирманчи йиллардаги уруш, очарчилик, халқнинг ўта қийналиб, қирилиб кетишига у чидаб тура олмади. Қандай қилиб бўлса ҳам муроса йўлини ахтарди. Йигирма минглик қўшинга қўмондонликдан кечиб, бир қанча шартлар билан ярашмоқчи бўлди. Лекин, унинг бу саъй-ҳаракатлари зое кетди. Ўзига муносиб бўлмаган, босмачи, сотқин, муттаҳам деган номларни орттириб олди», деб юм-юм йиғлардилар. Мана, энди онаизоримнинг руҳлари ҳам шод бўлди, деб ўйлайман.

Отам нафақат Мадаминбекка куёв, балки яқин сирдош, дўст бўлишган. Отамнинг айтишича, шўролар билан бўлган шартномада Троцкий ва Фрунзе Фарғонадан рус аскарларини олиб чиқиб кетишга ваъда беришгандан сўнггина у ўз қўшинларини қизилларга қарши курашдан қайтарган экан. Лекин советлар ҳар доимгидек ўз ваъдаларини бажаришмади.

Мен тоғамнинг пок номини оқлаб берганликлари учун, ўзи севган халқига, Ватанига қайтаргани учун юртбошимизга мингдан-минг раҳматлар айтаман.

**Рўзибек ва Давронбек ШЕРМАТОВлар — Тошлоқ тумани «Сўкчилик» маҳалласи, Мадаминбекнинг амакиваччалари:**

— Биз мустақил юртимиз тарихида муносиб из қолдирган амакиваччамиз туғилган уйнинг чироғини ёқиб турганимиздан фахрланиб юрардик. Президентимизнинг Фарғонага келиб, амакимиз ҳақида айтган ажойиб сўзларидан сўнг ғуруримизга яна ҳам ғурур қўшилди. Гўё хонадонимизга нур киргандек, отамиз Мақсудали, бобомиз Аҳмадбек оталарнинг руҳлари муборак хонадонда шодланиб кезиб юргандек бўлди.

— Ҳар йили Қирғизистоннинг Шиғай қишлоғига бориб, амакимнинг қабрларини зиёрат қилиб, тозалаб, кўчат экиб келаман, — дейди Давронбек ака. — Ҳозирги кунда Мадаминбекнинг туғишган авлодлари Марғилону Тошлоқда, Наманганнинг Норинида, қўйингки, водийнинг кўплаб ҳудудларида яшашади. Ҳар бир оилада Мадаминбек исмли ўғил бола бор десам, муболаға бўлмайди.

**Улуғбек СОДИҚОВ — Мадаминбекнинг чевараси:**

— Катта бувим Саодатхон ая билан Мадаминбек бобом икки йил турмуш қилишган экан. Бобом ўлдирилганда опоқим бувимнинг қорнида ёдгорлик бўлиб қолган экан. Катта бобомнинг ҳарбий салоҳияти туфайли бўлса керак, бобомга Додхоҳ деб ном беришибди. Эскичада бу — катта ҳарбий унвонга тўғри келар экан. Афсуски, совет тузуми даврида катта энам ҳам, бобом ҳам, ўзларининг ўтмишларини яшириб юришга мажбур бўлишган. Чунки ўттизинчи йиллардаги қатағон даврида Мадаминбекнинг жуда кўп авлодлари сургун қилинган экан. Якшанба куни дадам, оиламиз аъзолари билан телевизор кўриб ўтирган эдик. Президентимизнинг Фарғонага сафари тўғрисидаги эшиттириш берилди. Шунда катта бобом Мадаминбек ҳақида Президентимиз жуда яхши гапларни айта бошладилар. Шунда дадам «Ана, бобом ҳақида юртбошимиз гапиряпти» деб йиғлаб юборди.

Мен эндигина ўрта мактабни битирдим. Мактабда Ўзбекистон тарихи фани ўқитилади. Афсуски, бу янги тарихда ҳам Мадаминбекнинг шахсига деярли баҳо берилмайди. Мен у кишининг жуда мард, инсонпарвар, ҳақиқатпарвар бўлганлигини Саодат бувимдан жуда кўп марта эшитганман. Бувимиз қазо қилганига уч йил бўляпти. Афсус, бувим турмуш ўртоқлари ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинаётганлигини кўрмай кетдилар. Энди биз баралла «Мадаминбекнинг невараларимиз, чевараларимиз», деб айта оламиз. Бунинг учун юртбошимизга Мадаминбекнинг энг кенжа авлодлари номидан мингдан-минг раҳмат!

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР суҳбатлашди.**

# СУҒУРТАЧИЛАР МАДАДИ

**Шоҳимардонда табиий офат — сув тошқини юз берган куннинг эртасигаёқ «Ўзагросуғурта» давлат акциoнерлик компанияси кенгаши раиси П.Р. Қозиев бошчилигидаги мутахассислар воқеа содир бўлган жойда бўлиб, 102 та хўжалик моддий зарар кўрганини, шу жумладан, 62 та хўжаликнинг иморатлари бутунлай ва қисман шикастланганини, 39 та хўжаликнинг томорқасидаги боғ ва экинларга талафот етганини, фуқароларнинг чорва моллари нобуд бўлганини аниқлашган эди. Жами суғурта зарари 659080 сўмни ташкил этган бўлиб, бу маблағ 15 июлга қадар тўла тўланди.**

**Шу билан бирга, сув тошқини оқибатида бутунлай зарар кўрган ҳар бир хонадонга қўшимча равишда 10 минг сўм миқдорида, қисман зарарланган оилаларга 5 минг сўмдан ёрдам пули берилди. Ҳалок бўлганларнинг оиласи ёки яқинларига эса 10 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.**

**Т. МУЛЛАЕВ.**

## Ҳокимликлар "Халқ сўзи"га жавоб беради

### ЛАВОЗИМЛАРИГА ҚАЙТА ТИКЛАНИШДИ

Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги "Туркистон" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаролар А. Холбоев, Н. Жўраев ва Р. Аҳмедовлар "Халқ сўзи" газета таҳририятига йўллаган шикоят хатларида ўзларини асоссиз равишда ишдан четлаштирилганликлари ҳақида куйиниб ёзишганди.



Мазкур шикоят юзасидан вилоят ҳокими жаноб Ж. Норалиевдан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, масала нуфузли комиссия томонидан ўрганилиб чиқилган. Термиз шаҳар судида шикоятчиларнинг аризаси бўйича фуқаролик иши кўриб чиқилган. Суд ҳайъати ариза муаллифларини олдинги ўзлари эгаллаб турган лавозимига қайтариш ва мажбуран ишламай юрган кунлар учун иш ҳақларини бериш тўғрисида ажрим қабул қилган. Ушбу ажрим асосида Музробод туман халқ таълими бўлими ўз қарори билан А. Холбоев, Н. Жўраев ва Р. Аҳмедовларни олдинги ўзлари эгаллаган лавозимларга кайтадан тиклади ва мажбурий ишламай юрган кунлари учун иш ҳақи бериладиган бўлди.

### ДОҒЛАРДАН ТОЗАЛАНДИ

"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 10 июль сонида "Шаҳар ҳуснидаги доғлар" сарлавҳали мақола ва унга тегишли фотоайбномалар чоп этилганди. Унда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги баъзи мавзеларда чиқиндилар йиғилиб қолиб, санитария ҳолати бузилаётганлиги танқид қилинганди.

Танқидий мақола юзасидан туман ҳокимлигидан жавоб мактуби олинди.Ҳоким муовини жаноб О. Ҳошимовнинг ёзишича, танқидий мақола тумандаги тегишли идоралар раҳбарлари ҳамда мақолада кўрсатилган маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, улар амалга оширилди. Фотоайбномада кўрсатилган 19, 20 ва Д-20 "А" мавзелардаги жойлар тозаланиб, санитария ҳолати талаб даражасига келтирилди. Аҳоли ўртасида бу борада тушунтириш ишларининг мунтазам равишда олиб борилиши ҳокимият томонидан назоратга олинган.

SIEMENS NIXDORF

қандай қилиб жаҳон бозорида пешқадам бўлади ?

Мана, бундай қилиб:

SIEMENS

Ўз мақсадига етиш, дунёдаги ахборот ва коммуникация техникалари (АКТ) етказиб берувчи энг йирик компания бўлиш учун — Siemens

**1998 йил 1 октябрдан** бошлаб ўз ташкилотлари тизимини қайта кўриб чиқади. «АКТ га хизматлар кўрсатиш» (ахборот ва коммуникациялар мажмуи ечимлари) ва «Тармоқлар» (телефон тармоқлари, симсиз телефонлар ва маълумотларни узатиш тармоғи) секторларига "Маҳсулотлар" (телефонлар, симсиз телефонлар ва шахсий компьютерлар) сектори қўшилади.

Шундай қилиб,ахборот техникаси етказиб берувчи Европанинг энг йирик Siemens Nixdorf компанияси ахборот ва алоқалар соҳасида катта қувватга эга, ягона ҳисобланиб келинган,— бош корхона—Siemensнинг бир бўлаги бўлади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
132-03-14, 40-67-50,
ёки 133-48-99, 133-47-99
("Хайтек" фирмаси Siemens Nixdorf компьютерларини сотиш бўйича ишончли ҳамкор)

822

# АСОСИЙ ПРИНЦИПИ

риш вазифасини бажарувчи конституциявий органдир. Олий Мажлис — олий давлат вакиллик органи. Унинг 250 нафар депутати Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўп партиялилик асосида сайланди. Бу мустақил давлатчилик шаклланишида янги босқич бошланганидан далолат берди.

Конституцияни, қонунларни қабул қилиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, солиқларни жорий қилиш Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари доирасига киради.

Парламент фақат алоҳида ҳоллардагина тарқатиб юборилиши мумкин бўлиб, бу Президентнинг ваколатига киради, унинг бу ҳақдаги қарори Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинади.

Парламент сессияси Олий Мажлис фаолиятининг ташкилий шаклидир. Бу парламент мунозаралари ўтказиладиган анжуман бўлиб, унда, хусусан, давлат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари муҳокама этилади. Бироқ, қоида тарзида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишнинг асосий қисми парламент қўмиталарининг мажлисларида амалга оширилади. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Парламент ўз қўмиталарини ҳукуматда вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ равишда тасдиқлаган. Жумладан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмиталар мавжуд. Бу алоҳида аҳамиятга эга, негаки, парламентнинг бюджетни тасдиқлашдан иборат суверен ҳуқуқини амалга оширишга имкон яратади. Халқаро нормаларга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жорий этилди. Ўзига берилган ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи ҳар қандай фуқаро унга мурожаат этиши мумкин.

Қонун лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси ва парламент депутатлари киритадилар. Парламентда қонун лойиҳалари бир неча ўқишдан ўтказилади. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида камида бир марта ўқиш ўтказилади, сўнгра бу ўқишлар Олий Мажлис раҳбарияти даражасида ўтказилади. Қонун лойиҳалари Олий Мажлис сессиясида, қоида тариқасида, икки ўқишдан ўтади. Иккинчи ўқиш давомида узил-кесил овоз берилади. Парламент аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қонун қабул қилинади. Қонунларни, Олий Мажлиснинг бошқа норматив ҳужжатларини матбуотда эълон қилиш уларни қўлланишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида (1994 йил декабрдан буён) Олий Мажлис 300дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилди. Илгари қабул қилинган қонунларнинг учдан бир қисмидан кўпроғига, ўзгариб бораётган вазият тақозоси билан, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар жамиятда ҳамжиҳатликни сақлашга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга, тадбиркорликнинг эркинлигига, фуқароларнинг моддий фаровонлигига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон миқёсидаги обрўсини оширишга хизмат қилмоқда. Олий Мажлис ишида асосий эътибор жамиятда Конституция ва қонунларнинг устуворлигини қарор топтиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилмоқда.

Олий Мажлис депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайланадилар. Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек, ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партиянинг ёки тегишли ҳокимият вакиллик органининг вакили ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги давлат қурилиши амалиёти шундан далолат берадики, давлат ҳокимияти қонунийлик хусусиятини, яъни юритилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилигини, ўринлилигини, мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи ҳолатни касб этди. Бунга фуқароларнинг Конституцияга, демократияга ишонч ва конституциявий органларнинг фаолияти туфайли эришилди.

Давлат ҳокимияти жамиятда зарур обрў-эътибор қозонди. Аҳолининг кўпчилиги унга, унинг органларининг қонуний талабларига ўз ихтиёрлари билан, онгли равишда бўйсунади, бу эса унга барқарорликни, давлат сиёсатини амалга оширишда лозим бўлган даражадаги эркинликни таъминламоқда.

Республика пойтахти — суверенитетнинг зарур белгиси.

Тошкент мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Тошкент шаҳрининг тарихи 2000 йилдан ортиқ даврни қамраб олган бўлиб, бу давр мобайнида унча катта бўлмаган қадимги манзилгоҳ Шарқдаги энг йирик ва гўзал шаҳарлардан бирига айланди.

Ўзбекистон пойтахтида давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг барча марказий идоралари, мамлакатимизнинг илмий ва маданий салоҳияти жойлашган. Тошкентда 120 дан зиёд миллат вакиллари бўлмиш 2 млн. 150 мингдан зиёд киши истиқомат қилади, республикадаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15,5 фоизи пойтахтда яшайди.

Салкам 500 та саноат корхонаси, 284 та қурилиш ташкилоти шаҳарнинг асосий иқтисодий салоҳиятини ташкил этади. Тошкентда 27 та олий, 45 та ўрта махсус ўқув юрти, 43 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. 12 та театр, 23 та музей, цирк, 4 та концерт зали, 2 та кўргазма зали, 13 та истироҳат боғи, кинотеатрлар, маданият саройлари пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонларига Ўзбекистоннинг қадимий ва замонавий маданияти ва санъати билан ошно бўлиш, шу билан бирга дам олиш, ишдан бўш вақтни кўнгилли ва фойдали ўтказиш имконини бермоқда.

Республикамизда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати илмий-техника ютуқларини жорий этиш асосида лойиҳалаш ва қурилиш ишлари техник даражаси ҳамда сифатини оширишга доимий эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авж олдирилди. Ватанимиз пойтахти ўзига муносиб чирой касб этмоқда. Алишер Навоий номидаги Миллий боғ пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг севимли ҳордиқ чиқариш масканига айланди. Эски пастқам уйлар ўрнида янги осмонўпар бинолар қад ростламоқда. Ўйингоҳлар, теннис кортлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилмоқда, кўчалар ободонлаштирилмоқда.

Тошкентда улуғвор, гўзал Темурийлар тарихи давлат музейи очилди, ҳамиша муаззам Самарқандда ва Соҳибқиронни тарбиялаб вояга етказган Шаҳрисабзда унинг ёдгорликлари ўрнатилди. Бу ҳазрати Амир Темур руҳига бўлган ҳурмат ва эҳтиром белгисидир.

* * *

Асосий Қонун демократик жамият барқарорлигининг ишончли пойдевори ҳисобланади.

Бу ўзбек заминида барча замонларда мавжуд бўлган Конституциялардан энг яхшиси ва энг эркинидир. Асосий қонун фуқаролар онгига сингиб кетди ва аввалги ҳеч бир конституцияни халқимиз бунчалик эътироф этмаган.

Асосий Қонунимиз туфайли конституциявий тангликлардан муҳофаза қилинган давлат барпо этилди.

**Баҳодир ЭШОНОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси.**

## КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

# ИМКОНДАН ИМКОН ҚИДИРИЛАДИ

Чет эл жамғармалари ташкил этган семинарларда иштирок этиб, яхши бир жиҳатни сездим. Дарс жараёнида барча қатнашчилар фикр юритишга, ўйлашга мажбур қилинади. Фақат бугина эмас, аудиториянинг диққатини жамлайди. Эркин сўзлашга муҳит яратилади.

Масалан, ўртага:

— Стакандан неча хил мақсадда фойдаланиш мумкин? —деган савол ташланди.

Беш гуруҳга бўлинган қатнашчилар ўйлади, баҳс юритди, фикр алмашди. Учинчи гуруҳдагилар 22 хусусиятни санаган бўлса, бошқа бир группа бу рўйхатни 24 тага етказди:

1. Стакандан идиш сифатида фойдаланиш мумкин.
2. Совға
3. Шамдон ва ҳоказо.

Иштирокчилар — кексаю ёш баравар ўйларди. Шу жараённинг ўзида ўртадаги бегонасираш йўқолиб, қатнашчилар бир жамоага айланган эдилар.

Ўша тадбирни мамлакатимиздаги ўқитувчилар ўз кўзи билан кўриш ва ўрганишларини жуда-жуда истаган эдим. Сабаби, дарсларни ҳам ана шу йўсинда ташкил этиш ғоят муҳим.

Ҳаёт олдимизга битта масалани кўндаланг қўйди. Бу кадрларни тайёрлаш жараёнидир. Улар эса мустақил фикрлайдиган ёшлар орасидан етишиб чиқади. Қобилиятли ёшларга билим ва йўлланма бериш учун эса фидойи, малакали педагоглар зарур.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Устоз» жамғармаси бу борада кенг кўламда изланишлар олиб бормоқда. Бу жамғарма орқали республикамиз вилоятлари ва шаҳарларидан тўпланган 40 нафар ўқитувчи учун АҚШнинг Нью-Йорк давлат университетига қарашли Нью-Пальтц коллежида АҚШдаги таълим тизими тўғрисида семинар ташкил этилди.

Хўш, ана шу семинарда қатнашган педагоглар қандай таассурот билан қайтдилар?

**Назрулла МУСЛИМОВ, Низомий номли ТДПУ инженер-педагогика факультети декани, педагогика фанлари номзоди, доцент:**

— Талабаларга аввалдан ўқиладиган лекциянинг матни тарқатилади. Талаба мавзу билан танишиб, дарсга тайёр ҳолда келади. Дарс жараёнида мулоқот асосида мавзунинг янги қирралари очилади. Фикр-фикрдан қувват олади. Буни ўша жараёнда иштирок этганда чуқур ҳис этдик.

**Ориф ЁДГОРОВ, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти амалий математика кафедраси ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди:**

— Талабанинг яна бир имконияти, қайси ўқитувчидан билим олишни унинг ўзи танлайди. Демак, у ерда ёмон ўқитувчи бўлиши мумкин эмас. Талаба билим олиш учун пул сарфлаётганини яхши билади. Бу ерда ҳар икки томон бир-бирини яхши англаган ҳолда касб-ҳунар эгаллашга, билим ўрганишга ва ўргатишга интилади.

**Нарзулла МУСЛИМОВ:**

— Миллий дастур асосида кадрлар тайёрлаш учун мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Университет эса ана шу янги турдаги билим даргоҳлари учун ўқитувчилар тайёрлайди. Ёшларга профессионал билим бера оладиган малакали кадрларни қандай тайёрлаш лозим? Ана шу саволларга жавоб излаб, Америкадаги кўпгина ўқув жараёнларини кўздан кечирдик.

Ўйлаймизки, биз кўрган билганларимизни, таассуротларимизни ҳамкасбларга етказа оламиз.

Биздаги олий ўқув юртларида ҳанузгача талабанинг асосий билим манбаи ўқитувчининг маърузаси ҳисобланади. Чет элда эса талабанинг мавзу асосидаги ахбороти ҳам қадрланаркан. Бу эса талабанинг изланишига, билимини оширишига хизмат қилади.

Биздаям ана шундай дарс жараёнлари видеотасвирга туширилиб, ҳар бир олий ўқув юрти домласидан тортиб, мактаб ўқитувчисигача кўрсатилса яхши бўларди. Чунки бу жараённи ҳар бир муаллимнинг ўзи ҳис этиши, англаши ва дарс услубида жорий этиши керак.

**О. ЁДГОРОВ:**

— Ушбу сафар бизнинг ҳаётимизда катта янгилик бўлди, янги имконият очди. Оддий ўқитувчилар дунёнинг ривожланган мамлакатларида малака оширса! Профессионал мутахассисларни тайёрлаш учун атрофимизга бир назар солиш ҳам зарур экан. Ушбу сафар бизга билимларимизни мустаҳкамлаш имкониятини берди.

Ҳар бир билим масканининг ўзига хос хусусияти, ўз анъанаси бор. Доимо ижодий баҳс, янги-янги билим бериш услуби изланади. Ва табиийки, замонавий технология мавжуд. Ҳар бир ўқув даргоҳининг телемаркази бор. Истаймизми-йўқми, яқин келажакда бизда ҳам ўқув жараёнлари ана шу даражага етади. Бу жараённи тезлаштириш эса ўзимизга боғлиқ.

**Гулшода СОБИРОВА, Хоразм вилояти, Шовот касб-ҳунар лицейи инглиз тили ўқитувчиси:**

— Ўқувчиларимга тил билиш эл билиш эканлигини қайта-қайта уқтирар эдим. «Устоз» жамғармасининг ушбу ташаббуси нафақат бизнинг тажрибамизни оширди, балки ўқувчи ва ҳамкасбларимизга тил билишнинг нечоғлик зарур эканлигини исбот этди.

**Нормуҳаммад КОМИЛОВ, Нодира номидаги Асака педагогика билим юрти инглиз тили ўқитувчиси:**

— Америкалик талаба бир дақиқа вақтини беҳуда сарфламайди. Ҳамма вақти ишлаш, билим ўрганишга тақсимланган. Автослесарлик цехига кирдик. Ўқувчиларнинг ўзи техникасини ремонт қилади, ўзи қуради. Улар имкондан имкон қидиради. Ота-оналаримиз ўз фарзандларига биринчи галда ана шуни ўргатишлари керак. Билим даргоҳига нима учун келганини англаган ўқувчига билим бериш ҳам осон.

**Саодат ТЎЙЧИЕВА, Низомий номидаги ТДПУ технология кафедраси ўқитувчиси:**

— Шу кўрганларимизни жорий этишимиз учун психологик тайёргарлик керак. Мен бир нарсани кузатдим, ҳар бир коллеж бир шаҳарчага ўхшайди. Талабанинг эҳтиёжи учун лозим бўлган барча нарса муҳайё. Театрдан то автомат ўйинларигача.

Талаба учун ҳунар ўрганиш ва ўқишдан бошқа ташвиш йўқ. Бир сўз билан айтганда, уларнинг ўрганса бўладиган жиҳатлари билан танишдик, кузатдик. «Устоз» жамғармаси бизга жуда катта имкон берди. Биз янги дунё билан танишдик. Энди ана шу дунёда кўрганларимизни фаолиятимизда қўллашимиз лозим. Бунинг учун эса барча имконият бор. Бизнинг бахтимизга иқтидорли фарзандларимиз, Ўзбекистондай она-юртимиз бор.

**Суҳбатни Абдураҳмон ЖЎРА ёзиб олди.**

Истиқлол таронаси

## ЎЗБЕКИСТОНИМ, ЎЗ!

*Жону жаҳонни безар меҳру муҳаббатли кўз,*
*Саховатли қўллардан элда мўл-кўл ризқу рўз.*
*Қулфи дилларни очар ҳар дам адолатли сўз,*
*Адолатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

*Эркин қушга ҳамиша осмон бағри кенг,*
*Эркинликка дунёда нима бўлар тенг?*
*Озод, эркин халқимга саодатдир менг,*
*Саодатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

*Илм олган инсонда камолотдир-камолот,*
*Илм олмоқ элимда кафолатдир-кафолат.*
*Илм боғин меваси шарофатдир-шарофат,*
*Шарофатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

*Дўсту ёрни сийлаган жамоатга эришгай,*
*Имонини бут қилган ҳидоятга эришгай.*
*Ўтмишини ёд этган камолотга эришгай,*
*Камолотли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

*Жамоатда жамулжам яшаганлар кам бўлмас,*
*Жамоат аҳил бўлса бўйинлари хам бўлмас.*
*Жамоатнинг бағрида Ҳайдар кўзи нам бўлмас,*
*Жамоатли от сурган Ўзбекистоним, ўз! Ўз!*

**Ҳайдар МУҲАММАД.**

# АСРЛАРНИ ҚАМРАГАН САНЪАТ

*Қорақалпоғистон халқи маданияти, санъати жуда узоқ ўтмишга, теран тарихий илдизларга эга. Буни Қорақалпоғистон Давлат санъат музейида бўлган киши, айниқса, яққол ҳис этади.*






**Музейда айни кунларда 82,5 мингдан зиёд турли хил экспонатлар жамланган бўлиб, бу ердаги санъат асарлари эскизлари орасида эрамиздан аввалги III асрдан то шу кунларгача яратилган ноёб осори-атиқалар намойиш этилмоқда.**

**Яқинда бу ерга ташриф буюрган Франция, Германия, Англия, Норвегия, Голландия, Дания ва бошқа хорижий давлатлар вакиллари, санъат ихлосмандлари қадим Туронзамин тупроғида яратилган санъат асарларини, халқимиз фахрига айланган осори-атиқаларни қизиқиб кўрдилар ва юксак баҳо бердилар.**

**СУРАТЛАРДА:** музейнинг умумий ва ички кўринишидан лавҳалар.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**


## WANTED

ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O. is looking for an experienced and motivated person for the position of Head of Accounting and Reporting Departments.

Requirements:
1. Fluent in English
2. At least two years work experience with a large Multinational company
3. Accounting Knowledge: IAS or GAAP, and Local regulations

**Please deliver or fax your resume to the bank latest 13th of August 1998.**

Our address:
ABN AMRO Bank NB
Uzbekistan A.O.
Business Complex, 4th entrance
Hamid Alimjan Square
West Side
tel.: 120-61-41
fax.: 40-63-67

856


Алпомиш авлодлари

*Ўзбек полвонларининг номи, шон-шуҳрати мағрибу машриққа кетган. Ўрол полвон дейсизми ва ёки Абдуқодиру Эрали дейсизми, ҳамма-ҳамаси фақат юрт шарафи, миллат қадр-қиммати учун беллашиб, «мана мен» деган рақибларини ер тишлатиб келган.*

# ПОЛВОНИ КЎП ЭЛНИНГ ОРИЯТИ БАЛАНД БЎЛАДИ



Юртимизда муқаддас истиқлол шамоли эса бошлагач, алпомишкелбат полвонларимизнинг муваффақиятлари янада салмоқли бўлмоқда. Кейинги 7 йил ичида бир неча ўнлаб курашчиларимиз жаҳон ва Осиё чемпионлигига эришдилар. Бир қанча халқаро мусобақаларнинг ғолиби бўлишди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида чемпионларимизнинг сафи янада кенгайди. Улар нафақат мамлакат миқёсида, балки дунёнинг нуфузли мусобақаларидан ҳам шода-шода медаллар билан қайтиб келишди. Уёғини сўрасангиз, яқинда пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуасида ниҳоясига етган самбо кураши бўйича навбатдаги Осиё чемпионатида полвонларимиз бирйўла ўн иккита олтин медални қўлга киритишди. Эътиборингизга Осиё янги чемпионларининг рўйхатини ҳавола этамиз:

**ЎСМИРЛАР**
1. **Латифжон Латипов**
2. **Абдулла Тангриев**
3. **Саидкарим Олимов**

**Ўсмирлар мусобақасида полвонларимиз умумкоманда ҳисобида 1-ўринни эгаллади.**

**ЁШЛАР**
1. **Дўстмурод Орзуев**
2. **Шавкат Баротов**
3. **Чориёр Ҳайитов**
4. **Михаил Бектошев**
5. **Салоҳиддин Муродов**

**КАТТА ЁШДАГИЛАР**
1. **Фарҳод Хўжанов**
2. **Ботир Ҳасанов**
3. **Шавкат Жўраев**
4. **Акобир Қурбонов**

Ёшлар ва катта ёшдаги полвонлар ўртасида ҳам терма командаларимиз фахрли 1-ўринни эгалладилар. Ушбу мусобақа давомида ўзининг машҳур полвонлари билан дунёга ном чиқарган Монголия, Япония, Тожикистон, Туркманистон сингари мамлакат спортчилари ҳам бизникилардан ортда қолди. Юқорида номлари зикр этилган полвонларимиз ҳақиқатан ҳам Алпомиш авлодлари эканлигини исбот этишди.

**Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


## Ўзбекистон — Очиқ жамият институти ва Аёллар тармоқ дастури ноҳукумат аёллар ташкилотларини «Мезбон-Меҳмон» тармоқ лойиҳаси бўйича танловга таклиф қилади

*Лойиҳадан кўзда тутилган мақсад маҳаллий ноҳукумат аёллар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, хорижий ноҳукумат аёллар ташкилотларида аёлларга нисбатан муносабатларда зўравонлик муаммоларига чек қўйиш бўйича қилинаётган ишлар ва уларнинг бу борадаги тажрибалари билан яқиндан таништиришдан иборат.*

*Лойиҳа иштирокчиси Мезбон—ноҳукумат ташкилоти турли бошпаналар, оғир вазиятларни бартараф этиш марказлари, тезкор телефон алоқаси ва жамоа мадад марказларини ташкил қилиш бўйича таълим бериб, бу борадаги ўз тажрибалари билан яқиндан таништиради.*

*Танловда иштирок этиш истагини билдирган Ўзбекистондаги ноҳукумат аёллар ташкилотлари таълимни тугатгач, амалга ошириладжак ишлари ҳақидаги лойиҳани баённомаси билан тайёрлаб, Ўзбекистон—Очиқ жамият институтига тақдим қилишлари лозим.*

*Танловда фақат рўйхатдан ўтган ноҳукумат аёллар ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Ғолиб чиққан маҳаллий ноҳукумат аёллар ташкилотларининг 3 ёки 4 нафар вакиллари («Меҳмонлар») ноҳукумат аёллар ташкилотининг шу йил ноябрь-декабрь ойларида бўладиган «Мезбон» дастурида иштирок этиш имконига эга бўладилар.*

*Охир-оқибатда ғолиб ташкилотардан бири инқироз марказини барпо этиш учун миллий Очиқ жамият институтининг грантини олишга муваффақ бўлади.*

*Танловда иштирок этиш учун буюртмалар ўзбек, рус тили ёки инглиз тилида тўлдирилиши шарт.*

*Ушбу тиллардаги буюртма нусхасини фақат Ўзбекистон-Очиқ жамият институти манзилидан олиш мумкин:*
**Тошкент ш., 700070, Ивлев кўчаси, 41.** (Мўлжал: Усмон Носир кўчасидаги «Океан» магазини ва турк коллежи).
**Тел./факс: (3712) 40-68-54, 54-82-43, 55-61-60.**
**Электрон почта: nargiza @osi.freenet.us.**
**Аризалар қабул қилишнинг сўнгги муддати** — *1998 йил 30 сентябрь.*

836



12 варақли ўқувчилар
**дафтарлари**
сотилади.
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*
**Тел: 144-11-60, 144-51-68.**
854


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суднинг масъул ходими Ҳожимурод Исоқовга укаси

**Эркин ИСОҚОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти маъмурияти, клиникаси, жамоат ташкилотлари ва институтнинг фалсафа ва Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоаси шу кафедра профессори, фалсафа фанлари доктори Маҳбуба Абдуллаевага турмуш ўртоғи

**Пўлат МЎМИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия медицина институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси микробиология кафедраси мудири, профессор

**Нозим ЗОКИРОВнинг**

вафоти муносабати билан раҳматлининг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-савдо «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг Тошкент шаҳар кичик корхоналар ассоциацияси раиси

**Файзулло ИСРОИЛОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0249, 27714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

© МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.00 1 2 3 4 5 6